



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda На посты

2023-yil
27-aprel
payshanba

№ 17 (4607)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

QORAQALPOQNING NAMUNALI MAKONI



Nukus shahrining janubi-g'arida joylashgan «Altin jag'is» makon fuqarolar yig'ini namuna qilib ko'rsatishga arziydigan hududlardan biridir. So'nggi ikki yil ichida bu yerda birorta ham jinoyat sodir bo'lmadi. Bu ijobiy holat mahalla raisi, profilaktika inspektori, hokim yordamchisi, xotin-qizlar faoli, yoshlar yetakchisi tomonidan o'zaro uzviy hamkorlikning yo'lga qo'yilgani natijasi, desak, xato bo'lmaydi.





Obod va xavfsiz hudud

QORAQALPOQNING NAMUNALI MAKONI

(Davomi. Boshlanishi 1-betda.)

Joriy yilning mart oyida Prezidentimiz Qoraqalpog'iston Respublikasiga qilgan tashrifi davomida ushbu mahallada bo'lib, mahallaning ilg'or ish uslubini respublika bo'ylab joriy etish taklifini ilgari surgan edi. Shu asosda, O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik hamda Yoshlar siyosati va sport vazirliklari tomonidan qo'shma qaror qabul qilinib, mahallalarda xavfsiz muhitni yaratish borasidagi Qoraqalpog'iston tajribasi yo'iga qo'yildi.

Unga ko'ra, hudud profilaktika inspektori xonadonlarni «xonadonbay» va «fuqarobay» tarzda o'rGANADI. Ijtimoiy profilaktika obyekti bo'lgan shaxslarni aniqlab, shu asosda xulosalar tayyorlaydi. Ushbu xulosalar esa «beshlik»

ishtirokida muhokama etilib, ijtimoiy profilaktika obyekti bo'lgan shaxs bilan yakka tartibda manzilli ishlar amalga oshiriladi. Uning muammolari ni hal etishga ko'maklashiladi. Amalga oshirilgan ishlar har chorak natijasiga ko'ra baholanib, beshlik a'zolari rag'batlantiriladi yoki intizomiy jazo choralar ko'rildi.

Ta'kidlash joizki, «Altin jag'is» makon fuqarolar yig'ini 2021-yilda tashkil etilgan. Hozirda bu yerda 4245 nafar aholi istiqomat qilib kelmoqda. O'tgan yili hudud «Obod mahalla» das-turiga kiritilib, keng ko'lamlili qurilish va obodonlashtirish ishlari olib borildi. Ichki yo'llar ta'mirlanib, elektr

energiyasi, ichimlik suvi va gaz tarmoqlari yangilandi. Shuningdek, fuqarolar yig'ini binosi yangitdan qurilib, uning atrofida bolalar maydonchalari, tibbiyot punkti, tadbirdorlarga ko'maklashuvchi markaz, savdo shoxobchasi tashkil etildi. Hozirda sport majmuasi qurib bitkazilmoqda.

– Aholi bandligini ta'minlash borasi-



Suratda: Nukus shahar IIOFMB Huquqbazarliklar profilaktikasi bo'limi boshlig'i, podpolkovnik Baxtiyar Urazov 4-son IIB profilaktika inspektori, katta leytenant Atabek Dauletbayev bilan xizmat jarayonida.

da ham bir qancha ishlar amalga oshirildi. 2,6 mlrd. so'mlik imtiyozli kreditlar ajratilib, 106 nafar fuqaroning bandligi ta'minlandi. Hozirda mahalla hududida 2 ta ishlab chiqarish korxonasi, 2 ta tikuvchilik va mebel ustaxonasi ishlab turibdi. Bu bilan cheklanib qolmasdan, kelgusida hududda quyonchilik va baliqchilikni rivojlantirishni rejalashtirganmiz, – deydi makon fuqarolar yig'ini raisi Nigargul Gobenova.

– Muhimi, so'nggi ikki yilda birorta jinoyat sodir bo'lmassisiga erishib, mahallamizni obod va xavfsiz huduga aylantira oldik. Mahalla hududiga kuzatuv kameralari o'rnatalgani ham osoyishtalikni ta'minlashda qo'l kelmoqda, – deya suhabatga qo'shiladi profilaktika inspektori, katta leytenant Atabek Dauletbayev.

58 nafar kam ta'minlangan va ishsiz fuqaroga 145 mln. so'm subsidiya mablag'lari ajratilgani ham bugun o'zini oqlamoqda. Xususan, fuqaro O.Qutlimuratov subsidiya mablag'i hisobiga plastik romlarini ishlab chiqarishni yo'iga qo'ydi. S.Aliyev zarur uskunalarini sotib olib, mazali shirinliklar ishlab chiqarmoqda. Yana bir fuqaro D.Seytjanovga esa payvandlash qurollari olib berilib, bandligi ta'minlandi.

Ayni paytda ham mahallada aholi turmush darajasini yaxshilash, hudud osoyishtaligini ta'minlash borasidagi xayrli ishlar izchil davom ettirilmoqda. Joriy yil yakuniga qadar oilaviy tadbirdorlik doirasi da 1,4 mlrd. so'mlik kredit mablag'larini ajratish, 130 ta loyihami ishga tushirish orqali 104 nafar fuqaroning bandligini ta'minlash ko'zda tutilgan.

Azamat PIRNIYAZOV,
«Postda» muxbirini.
Nukus shahri.

AHOLI BILAN YUZMA-YUZ



Nurobod tumanida viloyat IIB boshlig'i o'rinnibosari, polkovnik Muzaffar Rahmatullayev tomonidan navbatdagi sayyor qabul o'tkazildi.

Sayyor qabul avvalida 16 yoshga to'lgan va katta hayotga qadam qo'yayotgan 10 nafar o'g'il-qizga ID-kartalar topshirildi. Shuningdek, qabul davomida bildirilgan barcha murojaatlar shu joyining o'zida tegishli soha mutasaddilari va



murojaatchilar ishtirokida atroficha muhokama qilinib, tegishli vazifalar belgilab olindi.

Tadbir so'ngida bir guruh fuqarolarga xo'jalik anjomlari topshirildi.

O'z muxbirimiz.

Samarqand viloyati.



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz



Ҳалолликни шиор қилган ходимлар

ЯШИРМОҚЧИ БҮЛИБ, ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Қораўзак туманида ҳужжатни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноят аниқланды. Ажабланарлиси, ушбу қонунбузарликка қўл урган шахс ўзининг хатосини хаспушлаш мақсадида яна бир жиноятга қўл урди.

Ҳолатга батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, туманда истиқомат қилувчи М.Б. қўшни давлатлардан бирига ишлаш учун борган пайти танишлари орқали ўзининг номига автомобиль бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳайдовчилик гувоҳномасининг қалбаки нусхасини ясаттириб олганди.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда М.Б.нинг ўша қалбаки ҳужжат билан юргани аниқланды. Табиийки, ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 228-моддаси З-банди билан жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро

М.Б. эса қилган хатосидан хulosса чиқариш ўрнига, ишни юритаётган туман ИИБ ҳузуридаги Тергов гурухи терговчиси, капитан Баҳадир Баймуратовга ишни судга юбормасдан, ижобий ҳал этишда ёрдам беринини сўраб, бунинг эвазига унга 100 АҚШ долларини пора тариқасида таклиф этди. Капитан Б.Баймуратов унинг бу ҳаракати жиноят эканлигини айтиб, бир неча марта огоҳлантиришига қарамасдан таклиф этишдан тўхтамайди.

Капитан Б.Баймуратов ҳолат юзасидан раҳбариятга билдириги билан



мурожаат этишга мажбур бўлди. Шу асосда ўтказилган тадбир давомида фуқаро М.Б. терговчининг хизмат хонасида унга 1 миллион сўмни пора тариқасида берган пайтда кўлга олинди.

Халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. Афсуски, М.Б. бу нақлни анча кеч англаб етди. У хуфя ишимни ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган эди. Энг ёмони эса, хато ортидан яна хато қилди. Қинғир ишига осойишталик посбонини ҳам шерик қилишга уринди. Шоядки, терговчи унинг алдовларига учмади. Аҳдига содик қолди.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Postda» мухбири.
Корақалпогистон Республикаси.

АДОЛАТНИ УСТУВОР БИЛИБ

Қашқадарё вилояти ИИБда Коррупцияга қарши курашиб бўйича доимий фаолият юритувчи ишчи гурӯҳ вилоят ички ишлар органларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш мақсадида ходимлар томонидан коррупцион жиноятларнинг олдини олиш ва ушбу ҳолатларга сабаб бўлаётган омилларни мунтазам муҳокама қилиб бормоқда.

Эътиборли жиҳати, коррупциянинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан 6 та ҳолатда пора берган фуқароларнинг қилмишлари ишлари фош этилди. Жумладан, Муборак тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов гурухи катта терговчиси, капитан Эрали Ҳасанов «Қурувчилар» МФЙда яшовчи фуқаро Қ.С.нинг хатти-ҳаракатлари юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб боради. Суриштирувлар давомида, 2023 йил 25 март куни фуқаро терговчига ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатмаслик эвазига 1 миллион сўм миқдоридаги пулни пора тариқасида берган вақтида ушланди.

Яна бир мисол. Косон туманида яшовчи фуқаро Ж.Э. «ЗИЛ-131» русумли юк автомашинасини тегишли ҳужжатларсиз бошқаргани учун автотранспорт воситаси жарима майдончасига жойлаштирилади. Шундан сўнг ҳайдовчи Миришкор тумани ИИБ ЙХХБ маъмурӣ амалиёт



дончасидан чиқариб бериш эвазига 6 миллион 500 минг сўм миқдорида пора таклиф қиласди.

2023 йил 17 апрель куни тезкор тадбир ўтказилиб, фуқаро Ж.Э. ходимга ваъда қилган пулни пора тариқасида берган вақтида ушланди. Ҳозирда ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят ички ишлар органлари ходимлари орасида ҳалолликни шиор қилган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Улар хизмат фаолияти давомида адолатни устувор билиб, қасамёдига содиклиги боис обрў-эътибор қозонмоқда.

Ҳамза НИЁЗОВ,
капитан.

Қашқадарё вилояти.

ҲУШЁР ИНСПЕКТОР

Бурчига садоқатли ички ишлар органлари ходимлари ҳамиша ҳурмат-эътиборга сазовор. Улар осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиб борасида куну тун хизматда бўлишади. Ҳушёргилиги ва ҳалоллиги боис раҳбарият эътиборида бўлган сафдор Шерзод Қайимов яқинда коррупцион ҳолатга чек қўйиб, яна бир карра бурчига содиклигини намоён этди.

– Марказий кўчалардан бирида хизмат олиб бораётганимда, «Форд» русумли автомашинанинги ҳаракатланиши эътиборимни тортди. Шу сабаб уни тўхтатиб, ҳужжатларини кўздан кечирдим. Буни қарангки, йўловчи ташувчи микроавтобус ҳайдовчисининг «Д» категорияси йўқ экан. Ҳолат юзасидан маъмурӣ баённома расмийлаштириб, автомашинани жарима майдонига жойлаштиридим, – дейди Фиждувон тумани ИИБ ЙХХБ ЙПХ инспектори, сафдор Шерзод Қайимов.

– Шундан сўнг ҳайдовчи Б.О. жарима майдонидан автомашинасини чиқариб бериш эвазига 350 минг сўм пора таклиф этди.

Унга бу иши қонунга хилоф эканлигини ҳар қанча тушунтирумай, аҳдидан қайтмади... Ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Б.О. сафдор Ш.Қайимовга 350 минг сўм пулни пора тариқасида берган вақтида ушланди. Айни пайтда унга нисбатан терговга қадар текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ишчи оиласида тарбия топган Шерзоджон Бухоро автомобиль ва йўллар техникимни тамомлангандан сўнг ички ишлар органларида хизмат қилиш мақсадида ҳужжатларини топшириди. Аммо имтиҳонлардан ўтолмагач, ўзи туғилиб ўсган Шофиркон тумани «Қайрағоч»

МФЙда посбон лавозимида ишлади, ички ишлар органига ишга кириш учун тайёрланди. Нихоят, 2007 йили Навоий вилоятининг Учқудук тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриклиш бўлимида инспектор лавозимида фаолиятини бошлади. У 2020 йилдан бери ҳозирги лавозимида фаолият кўрсатиб келяпти.

Сафдор Ш.Қайимов сингари мақсади улуғ ҳушёргиликнинг инспекторлар бор экан, қонунларимиз сарҳадларидан нияти бузук кимсалар асло ҳатлаб ўтолмайди. Албатта, улар қилмишига яраша жазо олади.

Мирзоқул АҲДОВ,
«Postda» мухбири.
Бухоро вилояти.





Кўрик-танлов

НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Хабарингиз бор, айни кунларда ички ишлар органлари ходимлари ўртасида «Намунали оила» кўрик-танловининг худудий босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унда қатнашчилар «Танишириш», «Бу – менинг оиласи», «Биз – китобхон оиласиз» шартлари бўйича куч синашмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қашқадарё вилояти ИИБ ходимлари ўртасида бўлиб ўтган танловда 1-ўринни Қарши тумани ИИБ Ҳуқуқий статистика гурӯҳи катта мутахассиси, лейтенант Алижон Маҳмудов оиласи эгаллади.

Навбатдаги совринли ўринларга бошқарма Патруль-пост хизмати батальони саф бўлинмалари 2-отряд бўлинма командири, сержант Бунёд Юлдашев ва бошқарма маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати канцелярияси бошлиғи, сафдор Ойбек Эргашев оиласи муносиб топилди.



КОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонлигига ўтказилган танловнинг якуний натижаларига кўра, пойтахтимизда жойлашган 7534-ҳарбий қисм шарафини ҳимоя қилган капитан Ҳамидулла Аҳмедов оиласи 1-ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланмани кўлга киритди. Қарши шаҳридаги 7533- ва Навоий вилоятида жойлашган 7551-ҳарбий қисм осоиишталик посбонлари – кичик сержантлар Исроил Раҳмонов ҳамда Жўрабек Элмуродов оилалари кейинги ўринларни забт этишди.



БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухоро вилоятида бўлиб ўтган танловнинг худудий босқичи якуний натижаларига кўра, 3-ўринни Пешку тумани ИИБдан иштирок этган Богиевлар оиласи, 2-ўринни Бухоро шаҳар ИИОФМБдан иштирок этган Юсуповлар оиласи қўлга киритди. Фаҳрли 1-ўрин ва танловнинг республика босқичи йўлланмаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси шарафини ҳимоя қилган Шукруллаевлар оиласига насиб этди.



Танловнинг Тошкент шаҳар ИИБ миқёсидаги босқичида Юнусобод тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ профилактика катта инспектори, майор Улуғбек Отажонов оиласи фаҳрли биринчи ўрин соҳиби бўлиб, республика босқичига йўлланма олди.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ



Кўрик-танловнинг Фарғона вилояти босқичи ҳар йил гидагидек кўтаринки руҳда ўтди ва унда ўндан ортиқ оиласий жамоалар иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз баҳслар якунида майор Акмалжон Ҳайдаровнинг оиласи биринчи ўринни кўлга киритиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хоразм вилояти ИИБда бўлиб ўтган танлов натижаларига кўра, Урганч шаҳар ИИОФМБ ҲПБ профилактика катта инспектори, майор Дониёр Искандаров оиласи биринчи ўринни кўлга киритди ва республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Хива тумани ИИБ Пробация гурӯҳи катта инспектори, капитан Ҳамробек Жуманиёзов оиласи иккинчи, Хонқа тумани ИИБ ҲПБ профилактика катта инспектори, капитан Одамбой Давлетов оиласи учинчи ўринларга муносиб топилди.





Ўринбосарнинг бир куни

ТИНМАЙ ИЗЛАНИШДА

Бугунги лавҳамиз қаҳрамони майор Мансур Суюнбоев 1989 йили Хатирчи туманида туғилган. Ички ишлар органларида қарийб 12 йилдан бўён хизмат қилиб келмоқда. ИИБ Академиясини битиргач, дастлабки фаолиятини Конимех тумани ИИБ ҲПБ вояга етмаганлар ишлари бўйича катта инспектори вазифасида бошлади. Айни пайтда туман ИИБ бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда. Ходимлар уни талабчан ва ғамхўр раҳбар сифатида ҳурмат қиласиди.

ИШ БОШИ – ХИЗМАТОЛДИ ЙЎРИҚНОМАСИ

Майор Мансур Суюнбоев ходимларнинг маънавий билимларини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш борасида тинмай изланишда. Бугун ҳам бу борада бир қанча ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйган. Эрталаб режага бир қур кўз юргутириб, иш кунини одатдагидек хизматолди йўриқномасидан бошлади.

Йўриқнома чоғида дастлаб ходимларнинг хизмат кийимини кийиш қоидларига риоя этганлигини текширди. Айrim ходимларга йўл қўйган камчиликларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берди. Сўнг шахсий таркибга шу кунларда мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган янгиликларни ҳамда хизмат билан боғлиқ тегишли маълумотларни етказди. Аҳоли билан мулоқот чоғида Ички ишлар органлари ходимларнинг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси талабларига қатъий риоя этиш лозимлигини эслатди.

ҚЎШАЛОҚ ШОДИЁНА

Туман ИИБ таъминлаш ва хизмат кўрсатиш бўлинмаси ҳайдовчиси, сафдор Берден Бисенов яқинда янги ҳовлига кўчиб ўтган эди. Яна бир хурсандчилик – у фарзандлик бўлди. Шу муносабат билан майор Мансур Суюнбоев бир неча ходимлар билан Берден Бисеновнинг



хонадонига бориб, уни қўшалоқ шодиёна билан табриклиди. Бирйула ходимнинг яшаш шароитларини ўрганди.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ХОНАДОНИДА

Капитан Мехридин Раҳматов «Наврўз» маҳалласи профилактика инспектори. У яқинда оила қурди. Турмуш ўртоғи билан истиқомат қилиши учун ушбу маҳаллада жойлашган хизмат уйи ажратилди.



Майор Мансур Суюнбоев ёш оилани ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида мазкур хонадонда ҳам бўлди. Профилактика инспектори билан сұхбатлашиб, ёш оиланинг яшаш шароити билан танишиди.



ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Майорнинг навбатдаги манзили хизмат вақтида вафот этган ходимлардан бири Абдураҳмон Дирабесовнинг хонадони бўлди. У туман ИИБ бошлиғи ҳамда бошқа масъуллар билан бирга марҳум ходимнинг аёли ва З нафар фарзанди ҳолидан хабар олди. Уларга ижтимоий кўмак кўрсатиш мақсадида муаммолари ўрганилди.



Изқуварлик тарихидан

УСТОМОН ХАКЕРНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИ

Видеоўйинларга бўлган муҳаббатидан воз кечган хакер Макс Батлер катта миқдордаги кредит карта рақамларини ўғирлашни ташкил қилгани билан дунё миқёсида шов-шувга сабаб бўлди. У 1998 йилнинг баҳорида маҳаллий дастурчиларнинг хавфсизлик тизимини тузатаётib, ҳукумат сайтини бузди. Аммо унинг бу иши тезда фош бўлиб, 2001 йилда Федерал маълумотларга рухсатсиз киргани учун бир ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Озодликка чиққач, «Бифрост тро-яни» хакерлик дастурини яратди. Бу унга антивирус дастурларини бузиб ўтиш ҳамда «Американ экспресс» маълумотлар базасига уланиш им-



конини берди. Шу тариқа, Батлер кредит карта рақамларини ўғирлаб, уларни учинчи шахсларга сота бошлади. Умуман олганда, Батлер 2 миллионга яқин кредит карта рақамларини ўғирлаб, 86 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда олди. Бойиб кетгач, оддий ҳаёт кечирди.

2007 йилда ФҚБ агентлари Батлернинг уйи эшигини тақиллатишиди. Таржима ҳолидаги аҳамиятсиз тафсилот уни фош этиб қўйганди. 2006 йилда федераллар Батлернинг 21 ёшли собиқ шериги Жонатан Жаннонни бошқаларнинг карталаридан маълумотларни ўмаргани учун ҳисбга олишди. Йигит барча қиммишлари, жумладан, Батлер билан ҳамкорлиги ҳақида маълумот берди. Албатта, Жонатан унинг ҳақиқий исмини билмасди. Аммо сўроқ пайтида йигит шериги бир марта «Half-Life-2» ўйинининг манба кодини бузган иккита асосий шахсдан бири эканлигини айтди. Бу иккি исм ФҚБга яхши маълум эди. Биринчиси немис Аксел Жембе бўлиб, ўша пайтда панжара ортида ўтирганди. Иккинчиси эса Макс Батлер эди. Мана шу кичик тафсилот фирибгарнинг қўлга олинишига сабаб бўлди. У 13 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ тайёрлади.

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Кўёш тепаликлар ортига бота бошлади. Қош қорайгач, «Бирлик» маҳалласида футбол шинавандалари йиғилишди. Осоишталик посбонлари бу гал уюшмаган ёшлар жамоаси билан беллашишди. Ўзин дуранг натижа билан яқунланганига қарамай, қизиқарли ва муросасиз ўтгани учун ҳаммага кўтаринки кайфият бафишлади. Мусобақада фаол қатнашганлар майор Мансур Суюнбоев томонидан туман ИИБнинг қимматбаҳо совғалири билан тақдирланди.

– Бу каби мусобақалар бир томондан ИИБ ходимларининг жисмонан чиниқишини таъминласа, бошқа томондан маҳалла ёшлариning спорта қизиқишини оширади, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қиласиди, – дейди қаҳрамонимиз.

Маҳлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.
Навоий вилояти.



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz



Соҳавий хизматларда

ЎЗ ҲУДУДИ БҮЙЛАБ

Андижон тумани ҳудуди бўйлаб минг километрдан зиёд узунликдаги автомобиль йўллари ўтади. Булар халқаро аҳамиятга эга «Андижон-Ўш» автомобиль йўли, «Андижон-Кўйганёр-Ўйчи-Наманган» ва «Андижон-Асака-Фарғона» вилоятлараро ҳамда Андижон туманининг Асака, Олтинкўл, Избоскан, Пахтаобод, Жалакудук, Булоқбоши, Хўжаобод туманлари ва вилоят маркази билан боғловчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидир.



«Мажаллабай» дастури доирасида туман ҳудуди шартли равишда 16 та майдонга бўлинган бўлиб, ҳар бирига бир нечта мажаллалар киради. Ҳар бир майдонга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими бириклирилган. Бу чора-тадбирлар йўллардаги баҳтсиз ҳодисаларни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тез орада ЙПХ инспекторларининг кўнгилли ёрдамчилари отрядлари тузилади. Уларнинг вазифаларига йўл қоидаларига

риоя этилишини назорат қилиш, қоидабузарлик содир этган пиёдалар ва ҳайдовчилар билан тушунтириш ишларини олиб бориш, пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатни тартибга солиш каби ишлар киради.

Қайд этилишича, хизматда ўзини ижобий тарафдан намоён этганлар ЙПХ инспектори лавозимига қабул қилинади.

– Туман йўлларида белгиланган тезликдан ошиб кетиш, светофорнинг тақиқловчи белгисида ҳара-

катланиш, қувиб ўтиш қоидаларини бузиш, темирйўлларни кесиб ўтиш, автомобиль салонида йўловчилар сонининг ошиб кетиши каби йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари кўп учрайди, – дейди Андижон тумани ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи катта инспектори, катта лейтенант Рафиқон Мўминов. – Қоидабузарлар маъмурий жавобгарликка тортимоқда.

Ҳайдовчи учун умум қабул қилган ва ҳали қонуний кучга эга бўлмаган қоидалардан яна бири бу ҳаракат чоғида бошқаларга халақит қиласлик ва йўл тўсиш ҳолатларини юзага келтирмаслиkdir. Энг қийини, албатта, энди рулга ўтирган ҳайдовчиларга. Гарчи аслида амалда ҳаммаси оддий кўринади. Кескин илдамлаш, қўпол ҳаракатланиш, йўналиш ёки тезликни ўзгартириш каби ҳаракатларни амалга оширмай, бир маромда, текис ҳайдашга эришиш керак. Йўлда барча йўл ҳаракати қатнашчилари, яъни ҳам ҳайдовчилар, ҳам пиёдалар учун хавфли вазиятларни яратмаслик учун автомобилини сергак ва ҳушёр ҳолда бошқариш муҳимdir.

Ҳайдовчи учун ушбу оддий қоидаларга риоя қилишнинг қийин жойи йўқ. Эҳтиёткорлик, ҳушмумалалик ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш эса факат яхшиликка хизмат қилади.

Борис КЛЕЙМАН,
«На посту» мухбири.



Гиёҳвандлик – аср вабоси

СЎНГИ ПУШАЙМОНДАН НАФ ЙЎҚ

Жамиятдаги энг хавфли иллатлардан бири гиёҳвандлик бўлиб қолмоқда. Бу заҳри қотил кўплаб инсонларнинг ёстиғини қуритаётган, оилаларни хонавайрон қилаётган бўлса-да, афсуски, бу турдаги жинояtlар ортиб бормоқда.

... Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Б.В. танишларидан қир-адирликлардан иборат Янгиқўрон туманидаги очик майдонларда ёввойи наша ўсимлиги ўсишини эшитди-ю, тинчини йўқотди. Сўнг қайчи, қоп олиб, туманнинг «Родивон» маҳалласига йўл олди. Танишлари алдамаган экан. Очик майдонда ўсиб ётган тўқ-яшил рангли ўсимлиқдан сиққанича қопга жойлади ва шоша-пиша йўлга чиқди. Унинг шубҳали ҳаракатлари эса шу атрофда айлануб юрган профилактика инспекторининг эътиборини тортди. Тўхтатилиб, холислар иштирокида текширилганида, Б.В.нинг қопида гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Вилоят ИИБ ЭКБ экспертиза хулосасига кўра, ушбу ўсимлик фаол гиёҳвандлик моддаси бўлиб, ўзида тетрагидроканнабинол сақлаши, соф оғирлиги 14643,38 граммга teng экани аниқланди.

Тергов-суринширув ҳаракатлари давомида айланувчи аввал ҳам ушбу ўсимликни кўргани сабабли бошқа ўт-ўланлардан ажратиб олиш қийин бўлмаганини тан олди. Лекин қилмишидан чин дилдан пушаймонликни айтиб, кечирим сўради. Бироқ пушаймонликдан наф йўқ. У энди қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Нурсултон НАЗАРБЕКОВ,
Янгиқўрон тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси бошлиғи, капитан.

Наманган вилояти.



Орамиздаги қаҳрамонлар

БОЛАГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Урганч шаҳрида хизмат вазифасини ўтаётган вилоят ИИБ ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд ҳайдовчи ходими, сафдор Давлат Абдуллаев автомобиллар серқатнов йўлни кесиб ўтаётган ёшгина болага кўзи тушди. У дарҳол хизмат автомашинасини тўхтатиб, болакайни йўл чеккасига олиб чиқди. Ўзини Дилмурод деб таништирган бола оиласига таалукли бирор бир маълумот айта олмади. Шундан сўнг сафдор Д. Абдуллаев ҳудуд профилактика инспекторига кўнғироқ қилиб, болани ички ишлар органлари таянч пунктига олиб борди.

Орадан кўп ўтмай «102» навбатчилик хизматидан шаҳардаги Байнамилалчи кўчасида Дилмурод исмли икки яшар бола отаси томонидан қидирилаётгани ҳақида тезкор хабар олинди. Сафдор Давлат Абдуллаев ушбу маълумот бўйича дарҳол боланинг отаси билан боғланиб, болакай

соғ-саломат эканлигини айтди ва унга таянч пункти манзилини берди. Фарзандидан хавотирланган ота бир зумда манзилга етиб келди ва ўглини бағрига босди.

– Ўғлимни автомашинада қолдириб, суғурта агентлигига кириб кетдим, – дейди урганчлик Каримбой Элмурадов. – Орадан 5-6 дақиқа ўтгач чиқсан, ўғлим машинада йўқ. Дарҳол уни излашга тушдим. Чорраҳага туташ кўчаларни, ён-атрофдаги дўкон ва кафеларни айлануб чиқдим. Аммо уни ҳеч қаердан тополмай, «102» рақамига кўнғироқ қилдим. Хуллас, эътиборсизлигим туфайли шундай воқеа содир бўлди. Борингизга шукур, сизлардан жуда миннатдорман. Сиз туфайли фарзандим соғ-омон бағримизга қайтди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.




MA'RIFAT BO'STONI

ENG YAXSHI VA YOMON A'ZO

Luqmonning xojasi jonliq qurbanlik qilib, so'yilgan qo'yning eng yaxshi a'zosini pishirib kelishni buyuribdi. Luqmon qo'y yuragi va tilidan taom tayyorlab kelibdi. Ertasiga xojasi unga endi qo'yning eng yomon a'zolarini pishirib kelishni aytibdi. Luqmon bu gal ham uning oldiga pishirilgan yurak va tilni qo'yibdi.

— Aytganim yodingdan ko'tarilganga

o'xshaydi, — achchig'i chiqibdi xojasining. — Nega menga yana qo'yning kechagi a'zolarini pishirib kelding? — Yo'q, nima buyruq qilganingiz yaxshi esimda, — javob qilibdi Luqmon. — Yurak bema'ni fe'l-atvorga izn bermasa, nojo'ya so'z tilga olinmasa, ulardan yaxshi a'zoni topa olmaysiz. Agar buning teskarisi bo'lsa, bulardan-da yomon a'zo yo'q.



ER KISHINING ISHI

Bobolarimiz: «Yaxshilikka yaxshilik har kishining ishidir, yomonlikka yaxshilik er kishining ishidir», deb juda to'g'ri aytganlar.

Qadim zamonda bir viloyatning hokimi olim, fozil bir odamni tuhmat orqasidan qamoqqa oldi. Bir yilgacha o'z huzuriga keltirib, yuz marta kaltaklab azobladi. Bir yildan keyin ahvol tamom o'zgardi. Haligi zolim hokimning o'rniغا shu olim, fozil odam viloyatga rahbar bo'ldi.

Hamma «Oldingi boshlig'imiz bu olim boshlig'imizga ko'p jabr, zulm qilgandi, bu ham endi intiqom olsa kerak», — deb o'yladi, lekin ish odamlar o'yaganlaricha bo'lmadi. Yangi hokim eskisini o'z huzuriga keltirib, unga ko'p iltifotlar ko'rsatdi, sarpolar kiygizdi. Xazinachisini chaqirib olib, har kun yuz marta urgan kaltagini har biriga bir tangadan yuz tanga

berishga va buni har kuni davom ettirishga buyurdi.

Oradan bir necha kun o'tgandan keyin oldingi hokim juda ham xijolat chekib, o'limiga rozi bo'ldi, olim hokimning huzuriga kelib:


— Meni qatl eting yoki har kuni berayotgan in'omingizni to'xtating, buni sizdan iltimos qilaman, — dedi.

Yangi hokim bir yil mobaynida badaniga urilgan kaltak zarbidan to'kilgan badan po'stalarini yig'ib qo'yan edi, bu iltimosni eshitgach, o'sha po'stalarini keltirib, taroziga tortishga buyurdi. Po'stalar anchagina og'irlikda edi. Avvalgi hokimga shu po'stalar og'irligi miqdorida oltin berishga buyurib:

— Yomonlik qilganga yomonlik qilish oson, lekin men yaxshilik qilish istayman. Bu oltinlarni olsin va o'zining kimligini bilsin! — dedi.

HUNARSIZ PAHLAVON

Bir zo'r pahlavon bo'lib, u hunarsizlikda yagona edi. Choshgohda o'n botmon, kechqurun ham xuddi shuncha ovqat yer edi. Bu ikki payt mobaynida yana shuncha ovqatlanib olardi. U shunchalik kuchli ediki, hatto mast filga ham shikast yetkaza olardi. Ittifoqo, hayot hodisalari tufayli mamlakatda xarobalik yuz berdi. Shu sababli u yerning aholisi o'z joyini tark etib, o'zga tomon ketishga majbur bo'ldi. Yo'l qiyinchiliklaridan bexabar pahlavon ham ularga hamrohlik qildi. Yo'l uzoq bo'lib, unda badnafs kishilar nafsi to'q tutadigan obod joylar yo'q edi.



Taom yemagan pahlavon birinchi kundanoq o'z holiga aza tutishga kirishdi. Ikkinci kun esa uning jismida madori qolmadidi. Ammo uchinchi kun u boyaqish biyobonda jonini topshirishga majbur bo'ldi.

Yana ikki-uch kun mashaqqat tortgach, yosh bolalar ham, hatto ikki bukilgan qariyalar ham sabr-toqat bilan yo'lni oxiriga yetkazishdi va obod bir manzilga yetib kelib, maqsadlariga erishdi. Pahlavon esa bu azogba bardosh bera olmay, ajal yo'lida nobud bo'ldi.

Alisher Navoiyning «Lison ut-tayr» asaridan.

YASHIRILGAN TOSH

Zolim bir askar bor edi. Har zamon o'ng-u so'Iga teginib turardi. Bir kuni tinchgina ketayotgan odamga qitmirlig qildi. Yana boshiga bir tosh bilan urdi. Odamning o'ch olishga kuchi yetmadidi. «Bir kun kelib xirmon o'rарман...» deb qo'ydi. Boshiga urilgan toshni olib, yonida saqlab qo'ydi.

Nihoyat, kutgan xabari keldi. Uni tosh bilan urgan askar bir jinoyati uchun hibsga olinib, zindonga tashlanganligini eshitdi. Shu zahoti toshni qo'liga oldi-da, to'g'ri zindonga bordi. Izn olib, ichkariga kirdi. Va askarning oldiga kelib, qo'lidagi toshi bilan uning boshiga urdi. Askar hayron bo'lib so'radi:

— Sen kimsan? Nega bu tosh bilan kallamga urding?

Odam:

— Men falonchiman, — dedi.
— Bu falon paytda boshimga otilgan tosh bo'ladi.

Zolim askar:

— Xo'p, shu paytgacha qayerda eding? — deb so'radi.
Odam:

— Sening holatingdan, askarligingdan andisha qillardim. Ammo hozir seni zindondaligingni g'animat bildim, — dedi.

Hikmat:

Har narsaning o'z vaqtি bor. Kutilgan fursat yetib kelmay qilingan ish, muvaffaqiyat qozonolmaydi. Chunki kerakli shartlar hali bajarilmagan bo'ladi.

«Guliston»dan.

UCH BUYUK TABIB

Bir tabib qattiq kasal bo'lib yotib qoldi. Shogirdlari yig'ilib uni davolashga kirishdilar. Kasal ustod ularga:

— Sevimli shogirdlarim, meni davolash uchun behuda zahmat chekmang, tuzalishdan umid uzganman, o'limim yaqin qolganga o'xshaydi. Vafot topganidan keyin juda qayg'urib oh-voh qilmang, chunki, o'rninga uch buyuk tabib qoldirib ketaman. Shu zo'r uch tabibning maslahatlariga hammangiz quloq tuting va boshqalarni ham shunga da'vat qiling, — dedi. Shogirdlardan biri:

— Aziz ustod, sizdan keyin o'rningizda qoladigan uch tabib kim? — deb so'radi. Ustod ko'zlarini ochdi, shogirdlariga shunday javob berdi:

— Sizlarga so'zlaganim uch zo'r tabibning birinchisi — poklik, ikkinchisi — parhez, uchinchisi badantarbiyadir. Doimo pok, ozoda bo'lish, tiqishtirib apil-tapil yemasdan o'z miqdorida ovqatlanish, ichkilikdan tiyilish, badan a'zolarini harakatsiz qoldirmasdan, badantarbiya bilan shug'ullanish — mana shularning hammasi salomatlikni saqlovchi eng yaxshi choraldaridir.

**Erkin VOHIDOV,
O'zbekiston Qahramoni,
xalq shoiri.**

VATAN QADRI

Vatanda yashab, biz o'zimiz ko'pincha uning qadrini his etmadik. Negaki, biz o'z Vatanimizning chinakam egasi bo'lmadik. Ruhimizga begona bo'lgan tuzum va dunyoqarash asiri bo'ldik, o'zga til va o'zga urf-odatlar tazyiqida hayot kechirdik. Istiqlol bizza Vatan berdi. Endi, meniki deb aytgulik o'zbek yurtimiz, mustaqil davlatimiz, davlat tili bo'lgan ona tilimiz bor. Olamga ochilgan o'z darvozamiz bor.

Ana shu tabarruk darvozadan tashqariga chiqqan har bir o'zbek shu yurt bolasi, uning bir zarrasidir.

SADOQAT

Keksa qarag'ayning Ildizin ochib, Tortdilar qo'sh arqon solib belidan. Lekin u tuproqqa panjasin sanchib, Sira qo'zg'almasdi Ungan yeridan... Nihoyat, gurs etib yerga quladi, Butab, so'ng ko'tarib ketdilar, biroq - U o'z panjasida olib jo'nadi Yashagan yeridan Bir siqim tuproq.

DEMANG, SHOIR TINIB KETDI

Demang, shoir tinib ketdi, Siyosatga inib ketdi.

O'zimiz o'z ichimizda bir-birimizga har qancha yaxshi-yomon gap aytsak, ko'taramiz. Lekin xorijda o'zbeklar haqida faqat yaxshi so'zlar aytishini istar edim. Biz boy emasmiz, ammo himmatlarga boy xalq farzandlarimiz.

Biz kamyoblik hokim bo'lgan yurtda o'sdik, lekin hamisha nazarimiz to'q bo'lgan. O'z qadrimizni va do'stlar qadrini anglagan kishilarmiz. Bizni ehtirom bilan kutganlarga minnatdorlik bilan salom yo'llab qo'yish, ular bizning yurtga kelganlarida javoban ehtirom ko'rsatish asl qadriyatlarimiz

Va yo aytmangki, mo'rt toldek, Shamollarda sinib ketdi. Siz, ey lutf bahrida g'avvos, U sizni sog'inib ketdi. Demang, shoir jimib ketdi, G'azal yozmay tinib ketdi. Tinib ketsa, bilingizki, Yog'och otga minib ketdi.

QARSAK HAQIDAGI SHE'RGA JAVOB

Men she'r yozsam, O'qisam uni, Tinglaganlar qarsak chalmasa. Biror kimsa biror so'zini Yodida ham saqlab qolmasa.



hisoblanadi. Biz tushunamizki, bu ishda beparvolik kechirilmaydi.

Biz o'z sha'nimiz, g'ururimiz, qadriyatimizni baland tutamiz. Chunki har birimizning qadrimiz jam bo'lib Vatan qadrini belgilaydi.

Faqat bittagina bo'z o'g'lon Uyga qaytgach, yig'lasa to'lib. Yig'lab-yig'lab tong bo'zargan on Uyg'onsa u Algomish bo'lib.

UCH BAYT

Agar do'sting bilan teng ko'rsang baham, Shodlik teng ko'payar, teng bo'linar g'am.

So'zlaganda oqil dilingga jo qil, Ammo o'z dardingga o'zing davo qil.

Qo'rquvning ko'zi katta, yuragi kichik bo'lur, Qo'rquv zo'r kelgan yurtda arslonlar kuchuk bo'lur.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinnbosarları –
mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV,
Erkin SATTOROV
Navbatchilar –
kapitan
Mixli SAFAROV
Georgiy PETROSYAN

Sahifalovchilar –
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –
Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami
h/r 23402000300100001010.
Bank kodı 00014.

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya
vazirligi g'aznachiligi.

Shaxsiy h/v
470010860262877031101179001
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahfalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2020-yil 13-yanvarda
0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan.

Buyurtma №V-5470.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma
taboq. 50783 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka taribda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqt – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.

JALOLIDDIN MANGUBERDI AVLODLARI



bol bo'yicha o'zaro bahslashdilari.

Spartakiada natijalariga ko'ra, Andijon akademik litseyi vakillari g'olib deb topildi. Ikkinchisi o'rinni Sirdaryo akademik litseyi o'quvchilari egallashdi. Uchinchi o'rin Jizzax

akademik litseyi o'quvchilariga nasib etdi.

G'oliblar va sovrindorlarga medal-lar hamda qimmatbaho sovg'alar tantanali ravishda topshirildi.

O'z muxbirimiz.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



– Ҳар сафар жангга кираётганимда, юртимга, ота-онамнинг бағрига эсон-омон борай, дея дуо қилардим, – деди Мирзаахмад ота. – Уруш ҳал қилувчи босқичга яқинлашиб борарди. Қочаётган душман қаттиқ қаршилик қиласынан. Бир пайт каскамни тешиб, бошимга ўқ тегди. Яхшиямки, сүякка ўтмаган экан. Ўн иккى кун госпиталда даволаниб, яна жангга кирдим.

Тирик афсонага айланган отахоннинг бу каби ҳикояларини ёшлар катта қизиқиш ва ҳайрат билан тинглайди. Мирзаахмад ота урушнинг суронли йилларини хотирлаш билан бирга, ёшларни бугунги тинч ва осуда замонга шукронда келтириб, ҳалол мөхнат қилишга, Ватанни севишига, илм олишиша чақиради.

Мирзаахмад Сулаймонов урушдан сўнг Риштон туманинг Ички ишлар бўлимида хизматга

кириб, 30 йилга яқин турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Туман ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи лавозимидан майор унвонида пенсияга чиқди. Бугун у фарзандлари, набира ва чеваралари куршовида кексалик гаштини сураяпти.

– Ёшлигимни эсласам, кўзларимга ёш келади, – дейди ота-хон. – Шукур, бугун тинч замонда яшаяпмиз. Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан, вазирлик раҳбариидан доим миннатдорман.

Яқинда туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Бурхонжон Мамажонов ҳамда туман ИИБ Фахрийлар кенгashi раиси, истеъфодаги майор Эминжон Обидов юз билан юзлашаётган нуронийни йўқлаб боришиди.

– Мирзаахмад ота каби фахрийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун чинакам ибрат

мактабидир, – дейди подполковник Б. Мамажонов.

Биз билан сұхбатда Мирзаахмад ота «Qalqon» журналида чоп этилган бир суратни кўрсатди.

– Бу суратга уруш қатнашчиси, сўхлик ҳамкасбим Метинбой Болтаев билан бирга 2010 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Хотира ва қадрлаш куни байрами пайтида тушганмиз, – дейди у журнал муқовасига ишора қилиб. – Умр кўз очиб юмгунча ўтиб кетаверар экан. Афсуски, ўшанда кўришган, ҳамсуҳбат бўлган ҳамкасларимнинг кўпи бугун орамизда йўқ. Шунинг учун бир-

бириңизни қадрланг, қўлингиздан келганича яхшилик қилишга интилинг.

Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.



Суратда: Мирзаахмад Сулаймонов касбоди ва қуролдош дўсти, истеъфодаги капитан Мирзожон Юнусов билан.

Үглонларин унутмас Ватан!

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИК

Навоий вилояти ИИБ масъуллари ички ишлар органларида самарали хизмат қилиб, баҳтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ёхуд ҳалқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида жонини фидо қилган ҳодимлар оиласидан доимо ҳол сўраб туришади.



Суратда: вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Ш. Содиқов (унгода) ҳамда М ва МТБ бошлиғи, подполковник В. Сайдов хизмат вақтида вафот этган катта сержант X. Шоназаровнинг онаси Пардагул ая билан сұхбатлашмоқда.

Яқинда капитан Музаффар Раҳмоновнинг оила аъзоларидан хабар олиниди. Фарзандлари, турмуш ўртоғи билан сұхбатлашиб, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

М. Раҳмонов 2004 йилда Хатирчи тумани ИИБ ҲПБ бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган эди. У қидирудаги жиноятчими қўлга олиш учун Самарқанд вилояти Каттақўғон туманига томон ҳаракатланаётган вақтда йўл-транспорт ҳодисасига учради. Тезда тиббий ёрдам кўрсатилганига қарамай шифохонада вафот этди.

Вилоят ИИБ масъуллари яна 10 нафардан

ортиқ марҳум ҳодимларнинг хонадонида бўлиб, оила аъзолари ҳолидан хабар олишди. Уларга ижтимоий кўмак кўрсатилиб, зарур тиббий кўриклилар ташкил этилди.

Ҳа, мардлик ва жасорат ҳеч қачон унтилмайди. Айниқса, инсон ўз ҳаётини она Ватан тинчлиги, эл осойишталиги йўлида фидо қилган бўлса. Албатта, бу каби хайрли ишлар марҳум ҳодимларнинг оила аъзолари кўнглига таскин бериши баробарида, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Махлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.
Навоий вилояти.



HAYOT MAZMUNI

Manzura Matova Guliston tumanida tavallud topgan. 1984-yilda Yangiyer shahridagi Qurilish texnikumini tamomlab, Sirdaryo viloyati IIB DAN bo'limiga buxgalter yordamchisi vazifasiga ishga joylashdi. Otasi Turg'un aka ham hisobchi bo'lib ishlagan emasmi, unga bu borada yo'l-yo'riq ko'rsatib turdi. Shu bilan birga, Manzura tajribali hamkasbi O'ktam Mamadaliyevdan ham ko'p narsa o'rgandi.

1987-yilda u viloyat IIB huzuridagi MTMga hisobchi vazifasiga tayinlandi. Bolajonlarning ovqatlanishi, o'ynchoqlar va boshqa jihozlar ta'minoti uning zimmasiga tushdi. Har oy qancha oziq-ovqat ketadi, qancha ish haqi sarflanadi, barchasini aniq hisoblab chiqish taqozo etilardi. Xursand bo'ladigan jihatni, u ishlagan yillarda bu borada birorta kamchilikka yo'l qo'yildi.

Mustaqillik e'lon qilingan yili qahramonimiz shaxsiy hayotida ham katta o'zgarish sodir bo'ldi. Sirdaryo viloyati IIB JQB tezkor vakili Ne'mat Mamatova turmushga chiqdi. Qo'sh qaldirg'ochlarga hamma havas bilan qarardi.

1997-yilda Manzura Matova viloyat IIB Moliya-xo'jalik bo'limiga bosh buxgalter o'rnbosari vazifasiga o'tkazildi. Bu orada birin-ketin farzandlari dunyoga keldi. Yaratgan ularga ikki o'g'il, ikki qiz ato etdi. Xizmat vazifalari yoniga oila tashvishlari ham qo'shildi. Farzandlarni maktabga yuborish, kiyimini tayyorlash, ovqatlantirish – bularning barchasi kattagina yumush edi. Hammassini uddalab ishga yugur, kuni bilan raqamlar orasiga singib ketardi. Ko'z oldidan ko'p xonali raqamlar yugurib o'tar, bamisol joni bordek edi. Qanchadir ming so'm yonilg'iga, yana qancha ming so'm kanselyariya jihozlari xaridiga o'tayotib, go'yo unga qo'l silkib ketayotgandek bo'lib tuyulardi...

O'tgan asrning 90-yillari oxirida tizimga kompyuterlar kirib ke-



lishi bilan esda qoldi. Endi xonda taxlanib yotgan qog'ozlardagi ma'lumotlarni uning xotirasiga kirgizish zarur edi. Kompyuter dasturi o'jar chiqib qoldi. Unga ma'lumot joylash buyruqlar tartibini taqozo etar, o'rganish oson emasdi. O'n kishi bir haftada yakunlaymiz, degan ish bir oyga cho'zildi. Nihoyat, besh mingdan ortiq xodimlarning ma'lumoti kompyuter xotirasiga joylandi. Endi maxsus dasturlar yordamida hisoblash mumkin edi. Manzura Matova bu ishlarda ham peshqadam edi. U kompyuterni juda tez o'zlashtirdi. Bu borada boshqalarga ustozlik ham qildi.

Manzura Matova hozirda farzandlari bilan Guliston shahrida istiqomat qiladi. Pensiyaga chiqqan mayor oila tashvishlari bilan band. Ikki o'g'li — Furqat va Farrux ichki ishlar organlari xodimlari. Ular Guliston shahar IIB HPB profilaktika inspektorlari. Manzura Matova va turmush o'rtog'i bosib o'tgan hayot yo'l va farzandlari bilan faxlanishadi. Umrni el xizmatiga sarflash zarurligi, bu hayot mazmuniga aylanishi kerakligini doimo farzandlari ga uqtirishadi.

Abdurahmon MUSTAFOQULOV,
«Postda» muxbiri.
Sirdaryo viloyati.

■ Qashqadaryo viloyati

«BUYUK KARVON YO'LI» FIDOYISI

G'uzor tumani IIB HPB 48/10-sonli tayanch punkti profilaktika katta inspektor, kapitan Hamza Pardayev «Buyuk karvon yo'li» mahalla fuqarolar yig'ini binosidagi xizmat xonasiga kirib boq bugun bajarilishi lozim bo'lgan ishlar rejasini tuzishga kiridi. Yaqinda ro'y bergan o'g'irlilik jinoyati yuzasidan ishni gumonlanuvchi bilan suhbat o'tkazishdan boshlashni mo'ljalladi...

Joriy yil 3-mart kuni fuqaro R.F.ning uyida o'g'irlilik sodir etilgan, uydan televizor, muzlatkich, tilla uzuk, kiyim-kechaklar, ko'rpalar o'g'irlab ketilgan edi. Kapitan Hamza Pardayev jabrdiydaning sobiq qo'shnisi, hozirda boshqa mahallada yashovchi N.J. bilan suhbat o'tkazdi. Suhbat davomida gumonlanuvchi savollarga uzuq-yuluq javob qaytarib, bejo harakatlari bilan profilaktika inspektorining e'tiborini tortdi. Bu bejiz emas ekan. Ko'p o'tmay, N.J. ikki tanishi bilan o'g'irlilikka qo'l urgani ma'lum bo'ldi. O'g'irlangan buyumlardan televizor va muzlatkich ashayoviy dalil sifatida hujjatlashtirib



olindi. Holat yuzasidan jinoyat ishi qo'zg'atildi.

Kapitan Hamza Pardayevni tuman IIB boshlig'i huzuriga chaqirishdi. Yuqoridaq holat yuzasidan yig'ilish o'tkazgan bo'lim boshlig'i, podpolkovnik Zafar Tursunov unga minnatdorlik bildirdi...

«Buyuk karvon yo'li» mahallasida 4320 nafar aholi istiqomat qiladi. Mahalla hududida «Karvon» savdo bozori joylashgan. Qolaversa, xalqaro ahamiyatdagi A-380 «Toshkent

– Termiz» avtomagistral yo'li ham hududdan o'tadi. Bu omillar, albatta, mahalla osoyishtaligiga mas'ul kapitan Hamza Pardayev zimmasiga o'ziga xos mas'uliyat yuklaydi.

Qahramonimiz mahalla hududini aylanishni, odamlar bilan suhbatlashishni odat tusiga aylantirgan. 2016-yilda xizmat faoliyatini boshlagan kapitan hanuz bu odatini kanda qilmagan. Avvalo, xonadonlarga kirib chiqadi, ularning turmush tarzi bilan qiziqadi. Notinch oilalar,

muqaddam sudlanganlar, ichkilikka ruju qo'yanlar bilan suhbatlashish jarayonida ularning bu yo'lga kirib qolishi sabablarini o'rganib, yechimi topishga harakat qiladi.

– Tajribadan ma'lumki, ko'plab jinoyatlarning doyasi – bekorchilik. Inson biror foydali ish bilan mashg'ul bo'limasa, birinchi galda iqtisodiy tanglikka duch keladi. Oqibatda bilib-bilmay, jinoyatga qo'l uradi, – deydi kapitan Hamza Pardayev. – Biz ana shunday salbiy holatlarning oldini olish, ularga barham berish maqsadida hududdagi tashkilot va korxonalar, fermer xo'jaliklari bilan hamkorlikda ish olib boryapmiz.

«Ayollar daftari» va «Yoshlar daftari»da ro'yxatda turuvchi fuqarolarning muammolari ham yechim topmoqda. Jumladan, «Ayollar daftari»dagi xotin-qizlarga o'zini o'zi band qilishi uchun zarur uskunalar olib berilyapti, bank kreditlari ajratilyapti. Xuddi shunday, «Yoshlar daftari» ro'yxatiga olingan yigit-qizlarning bandligini ta'minlash choralar ko'rilmoqda. Bu sa'y-harakatlar aholining turmush sifatini yaxshilash, hudud osoyishtaligini ta'minlashga xizmat qilayotgani bilan ahamiyatlidir.

Sodiq RAHIMOV,
«Postda» muxbiri.



JASORATING MANGU BARHAYOT

O'zbekiston xalqi butun taraqqiyat parvar insoniyat qatori Ikkinci jahon urushida faol ishtirok etib, fashizm ustidan qozonilgan g'alabaga munosib hissa qo'shdi. Ajdodlarimizning urush yillarda ko'rsatgan mardlik va qahramonligi biz uchun chinakam ibrat maktabi, g'urur-iftixor manbayi bo'lib, yillar o'tgani sari bu o'lmas qadriyatlarning ahamiyati tobora ortib bormoqda.

Ikkinci jahon urushida halok bo'lgan ajdodlarimiz xotirasiga chuqur hurmat bajo keltirish, fashizmga qarshi janglarda, mehnat frontida jonbozlik ko'rsatgan faxriyalarimizga e'tibor va ehtirom ko'rsatish yurtimizda olijanob an'anaga aylangan.

Urushning ilk kunlaridanoq, O'zbekiston ichki ishlar organlari ko'plab mard xodimlari o'z ixtiyori bilan frontga otlanib, uning eng qaynoq nuqtalarida qahramonona jang qildilar. Urushning dastlabki kunlari Sobiq ittifoq Ichki ishlar xalq komissarligining buyrug'i asosida respublika bo'yicha 57 nafar rahbar xodim tezkor ravishda armiya saflariga yuborildi.

Bu davrda Toshkent o'rta-maxsus militsiya maktabi front uchun kadrlar tayyorlovchi asosiy bazalardan biriga aylandi. Urushning birinchi yilda maktab tinglovchilarining 60 foizi, komandir-o'qituvchilarining 30 foizi, Samarqand viloyati ichki ishlar organlaridan 1489 nafar, Toshkent temiryo'l militsiyasi bo'limining 204 nafar xodimi o'zbek milliy diviziysi, shuningdek, general Panfilov diviziysi safida jingga kirdi.

Kadrlar yetishmasligi tufayli Toshkent o'rta-maxsus militsiya maktabida o'qish muddati 2 yildan 9 oyga qisqartirildi, bundan tashqari, 3 oy-u 20 kunlik kurslar tashkil etilib, tezkor ravishda harbiy tayyorgarlikdan o'tgan kursantlarning bir qismi frontga yuborilgan bo'lsa, qolgan qismi militsiya organlarida xizmat qilish uchun yo'llanma oldi.

1941-yil 30-iyunda O'zbekiston SSR Ichki ishlar xalq komissarligining «Ichki ishlar organlari xodimlariga ta'il berishni bekor qilish va ta'tildagi xodimlarni xizmatga chaqirib olish to'g'risida»gi buyrug'i e'lon qilindi. Unga asosan, jinoyat qidiruv sohasida tezkor tadbirlar yanada kuchaytirilib, militsiya organlarida rahbarlarning sutkalik navbatchilagini tashkil etish, rahbarlarning jinoyat sodir etilgan joylarga shaxsan chiqishlari yo'liga qo'yildi.

Shaxsiy tarkibning asosiy qismi frontga safarbar etilishi natijasida respublika ichki ishlar organlarida kuchli kadrlar yetishmovchiligi yuzaga keldi. Sharoit taqozosiga ko'ra, militsiya

saflari harbiy komissarliklar orqali yarador bo'lib frontdan qaytib kelgan kishilar, sog'lig'i va yoshi tufayli armiyada xizmat qilishi cheklangan shaxslar, ayollar, qariyalar va hattoki voyaga yetmagan o'smirlar hisobiga to'ldirildi.

Shu o'rinda ichki ishlar organlaring front ortidagi faoliyati ham oson kechmaganligini ta'kidlash jozi. Zero, xalq xo'jaligi va front uchun muhim bo'lgan strategik obyektlarni qo'riqlash, harbiy yuklarni talon-toroj qilishning oldini olish, oziq-ovqat va sanoat mahsulotlari hamda oziq-ovqat kartochkalari oldi-sotdisini nazorat qilish, okkupatsiya qilingan hududlardan evakuatsiya qilingan bolalarning qarovsizligi va nazorat-

lardagi militsiya organlari huzurida 30 dan ortiq bolalarni qabul qilish hamda taqsimlash punktlari (xonalar) tashkil etildi.

Ayni vaqtida, turli hududlardan evakuatsiya qilingan, tayinli mashg'uloti bo'lmagan shaxslar hisobiga kabi yirik shaharlarda uyushgan jinoyatchilik, qasddan odam o'ldirish, bosqinchilik kabi og'ir jinoyatlar soni ko'paydi. Ichki ishlar xalq komissarligi ko'rsatmasiga binoan, ushbu jinoyatlarga qarshi kurash kuchaytirilib, olib borilgan tezkor tadbirlar natijasida qisqa muddatda Toshkent shahri va uning atrofidagi hududlarda 102 nafar qurolli jinoyatchi qo'lga olindi. Natijada Toshkent shahrida og'ir jinoyatlar sodir etilishi holatlari birmuncha kamaydi.

Quvonarlisi, ularning ayrimlari frontdan sog'-omon qaytib, ichki ishlar organlarida xizmatni davom ettirdi, janglarda toblangan irodasi, fidokorona mehnatlari evaziga rahbarlik lavozimlariga ko'tarilib, polkovnik, general unvonlarigacha bo'lgan sharafli yo'lni bosib o'tdilar va haqli ravishda O'zbekiston ichki ishlar organlarining shonli tarixida o'chmas iz qoldirdilar.

Urush yillari 13 yoshidan front ortida mehnat qilgan, keyinchalik ko'p yillar ichki ishlar organlarida rahbarlik lavozimlari xizmat qilgan general Gofur Rahimov ta'biri bilan aytganda: «Urush ishtirokchilar, urush qahramonlari bo'lgan bu kishilar O'zbekiston militsiyasining ham qahramonlari edilar. Ular urushdan keyingi yillarda ham huddi frontdagi kabi o'z jonlarni ayamasdan jinoyatchilikka qarshi kurash olib borishdi. Ular ichki ishlar organlaridagi keyingi faoliyatida doimiy ravishda o'z xizmatiga sodiqliq, qat'iyatlilik, matonatlilik va fidoyilik xislatlarini namoyon etdilar».

Xulosa o'rnida ta'kidlash lozimki, bugungi geosiyosiy jarayonlar keskin tus olgan, turli qarama-qarshilik va tahidlar yuz ko'rsatayotgan globallashuv zamonida har bir vatandoshimiz kabi, eng avvalo, ichki ishlar organlari xodimlarida vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda, ularda o'z ona Vatani taqdiriga, uning kelajagiga daxldorlik hissini qaror toptirishda Ikkinci jahon urushida ajdodlarimizning ko'rsatgan jasorati va qahramonliklariga tayanamiz.

Tarix ko'rsatadiki, har qanday urush aslida insoniyat uchun ulkan fojiadir. Zero, Ikkinci jahon urushi yillarda xalqimiz chekkan kulfatlar, janglarda qurbon bo'lgan minglab yigitlarning beva qolgan ayollari, yetim bo'lib qolgan farzandlarining, farzand dog'ida qayg'u-alam bilan bu dunyodan ko'z yumgan ota-onalarning, urush tufayli orzulari armonga aylangan, bir umr nogiron bo'lib qolgan insonlarning chekkan hasratlari, ko'rgan azob-uqubatlari xalqimiz xotirasida o'chmas iz qoldirdi.

Bu xotira sizu bizni, har on hushyor va ogoh bo'lishga, yurtimizdagи tinchlik va barqarorlikning, millatlararo totuvlikning qadriga yetib, uni ko'z qorachig'iday asrashga, bor kuch-g'ayratimizni Vatanimizning porloq kelajagi yo'lida safarbar qilishga da'vat etadi. Zotan, bu bizning bugungi ozod va obod Vatanimiz, tinch-osoyishta kunlarimiz uchun qurbon bo'lgan ajdodlarimiz oldidagi farzandlik burchimiz, qolaversa, kela-jak nasllar oldidagi mas'uliyatimizdir.

**Elbek NORMUMINOV,
Toshkent shahar IBB Ma'naviyat
ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan
ta'minlash xizmati bosh inspektori,
mayor.**



sizligiga qarshi kurashish, yaqinlari bilan aloqasi uzilgan insonlarga ularni topishda amaliy yordam ko'rsatish va boshqalar xodimlardan fidokorona xizmatni talab qilar edi.

1942-yil 23-yanvarda sobiq ittifoq Xalq komissarlar kengashining «Ota-onasiz qolgan bolalarni tegishli muassasalarga joylashtirish to'g'risida»gi qarori asosida mahalliy ijroiya qo'mitalarda maxsus komissiyalar, bolalarni qabul qilish va taqsimlash markazlari tuzildi. Ularda ichki ishlar organlari xodimlari va o'qituvchilarining kecha-yu kunduz navbatchiligi tashkil etildi. Maxsus komissiyalar ichki ishlar organlari bilan hamkorlikda bosib olingan hududlardan evakuatsiya qilingan, ota-onasiz qolgan bolalarni qabul qilish, taqsimlash, tegishli muassasalarga joylashtirish barobarida, haq-huquqlarini himoya qilish va nazoratsiz qolishining oldini olish bilan shug'ullanishi lozim edi. Xuddi shunday, Toshkent, Samarqand, Andijon, Farg'ona va boshqa yirik shaharlardagi temiryo'l vokzallari hamda aholi ko'p yig'iladigan joy-

Shu o'rinda ichki ishlar organlari xodimlarining frontda ko'rsatgan jasoratiga alohida to'xtalish o'rini. Chunki ular o'z hayotini xavf-xatarga qo'yib, Ukraina, Belorussiya, Lenigrad, Xarkov, Kursk yoyi, Shimoliy va G'arbiy frontlarda fashistlarga qarshi janglarda yuksak qahramonlik va jasorat namunalarini ko'rsatdilar. Mard va jasur xodimlardan Sovet Ittifoqi qahramonlari – Mo'ydin Hasanov, Aleksey Golubenko, Ivan Kirpichenko, Polsha Respublikasi qahramoni Qahhor Sharipov, uchala darajadagi «Slava» ordeni sohiblari – Tojiboy Rajabov, G'ani Valiyev, Alimbay Amanbayev, frontdagi jasorati uchun o'nlab orden va medallar bilan taqdirlangan Sharif Hasanboyev, Tilla Abdullayev, Zunnun Imamov, To'xtasin Ibragimov, Islom Sattorov, Mo'min O'rion, Burxon Sirojiddinov, Ummat Ubaydullayev, G'ani Usmonov, Andrey Kravchenko, Meyrman Kenjaboyev, Abdujamil Tashmetov, urush yillarda «Smersh» kontrrazvedka bo'limida xizmat qilgan Nortoji Ahmedovlarning nomlarini alohida keltirish mumkin.



БЕКЗОДНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР

ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти 3-минтақавий маркази тарбиявий ишларни муво-фиқлаштириш гуруҳи катта инспектори, капитан Бекзод Ярлоқобов одатда иш кунини ҳибсона ва манзил-колонияларда фаолият юритаётган ҳамкаслари билан ўзаро маълумот алмашишдан бошлайди. Ушбу мулоқотлар давомида тарбиявий ишларга масъул ходимларга бўйруқ ва кўрсатмаларнинг мазмун-моҳиятини етказади, ишга оид топширик ва тавсиялар беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, капитан Бекзод Ярлоқобов ҳамкаслари билан биргалиқда 3-минтақавий марказ таркибига кирувчи муассасаларда сақланаётган ва жазо муддатини ўтаётган шахслар қонунбузарлик содир этишининг олдини олишлари ҳамда белгиланган тартиб ва меъёрларга қатъий амал қилишини таъминлашлари зарур. Айни шу мақсадда маҳкумларни касб-хунарга ўргатиш, улар иштирокида хуқуқий, маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўюнтириш ва озодликдаги ҳаётга тайёrlаш чораларини кўрадилар.

— Маҳкум жазони ижро этиш муассасасига келиши билан оқуни жиноятга ундан

сабаб ва омилларни ўрганамиз, — дейди капитан Бекзод Ярлоқобов. — Сўнг психолог сұхбат ўтказиб, унинг психологик портретини ишлаб чиқади ва ана шу хуоса асосида якка тартибдаги тарбиявий ишларни ташкил қиласиз. Шунингдек, жазони ўтаётган шахсларнинг қизиқишиларини инобатга олган ҳолда, муайян фойдали юмушга йўналтирамиз. Тизимга қарашли манзил-колонияларда хунармандчилик ва ишлаб чиқариш цехлари бор. Кутубхоналар, фаолият кўрсатади, спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароит мавжуд. Қисқаси, маҳкумларнинг қайта жиноят қилмасликлари, ҳалол ҳаёт тарзига қайтишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Дарҳақиқат, маҳкумларни қайта тарбиялаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар органларининг тегишили соҳавий хизматлари, бандлик ташкилотлари, хунармандлар ўюнмалари, диний идоралар вакиллари иштирокида 80 га яқин тадбирлар ўтказилган. 98 нафар маҳкум дурадгорлик, чилангарлик, пайвандчилик, темирчилик, нақошлик, электромонтёрликка ўқитилган. Бизнес режа тузиш ва кредит олиш тартиблари ҳақида ҳам маълумотлар берилмоқда.

— Маҳкумлар ўртасида китобхонлик беллашувлари, концертлар, ижодкорлар



билан учрашувлар, бошқа маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этиляпти, — дейди 3-минтақавий марказ бошлиғи, подполковник Обид Шерқулов. — Жорий йилнинг ўтган даврида спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, тўсинда тортилиш, армрестлинг турлари бўйича мусобақалар ўюнтирилди. Бундан ташқари, маҳкумлар ўртасида психологик тренинглар ўтказилипти. Умуман олганда, капитан Бекзод Ярлоқобов каби фидойи ходимларимизнинг хизмати туфайли жазо ўтаётган шахсларни тўғри йўлга солиш борасидаги кўрсаткичларимиз йилдан-йилга яхшиланиб бораётир.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.**

Жиззах вилояти.



Ўғлонларин унумтас Ватан!

ЯХШИ ИНСОН, ФИДОЙИ ХОДИМ ЭДИ

Абдурашид Умрзақов ҳаёт бўлганида бу йил 44 баҳорни қаршилаган бўлар эди. 1979 йилда Янгиқўрғон туманининг Гаистон маҳалласида туғилиб ўсан Абдурашид кўпчиликнинг қалбидан одамлардан ёрдамини аямайдиган, хушмуомала, камтарин инсон сифатида жой олганди.

2000 йилнинг ноябрь ойида Наманган вилояти ички ишлар органлари сафига қабул қилинган Абдурашид дастлаб жанговар ҳаракатдаги отряд милиционери сифатида фаолият кўрсатди. Сўнг вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальонида оммавий тадбирларни ўтказиша хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича маҳсус отряд милиционери лавозимида хизмат қилди. У вилоят ҳудудида жамоат тартибини



сақлаш, фуқаролар осойиштаги таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиб, олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изида» фош этишда аъло даражада хизмат олиб борди. Шунингдек, турли танловларда муносиб иштирок этиб, тизим шарафини муносиб ҳимоя қилди. Абдурашид «ички ишлар органи ходими» деган шарафли номни оқлай билди, инсоний

фазилатлари билан барчага ўrnak бўлди. Соҳадаги 13 йиллик хизмат фаолияти мобайнида масъулиятлилиги, касбига садоқати туфайли бирор марта интизомий жазога тортилмади.

Афсуски, унинг умри қисқа экан. 2013 йилнинг 26 ноябринда бир неча оғир турдаги жиноятларни содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган жиноятчини қўлга олиш чоғида ётказилган тан жароҳати оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Абдурашиднинг ота-онаси учун бу айрилиқ осон кечмади. Уч сингилга меҳрибон ака, яқинларининг суюнчиғи эди у. Турмуш ўртоғи Барчиной билан уч ўғилни тарбиялаб, камолга етказаётганди. Начора, ўлим ҳақ, тақдирга қўникишдан ўзга чора йўқ. Шукрки, Абдурашиднинг уч ўғи Абдулаҳад, Абдулазиз, Абдужаббор бобоси, бувиси ва онасининг қалбидаги изтиробларни унтишига ёрдам берди. Абдулаҳад ота изидан боришини ният қилиб, ИИВ Академик лицейини тамомлади.

Бу йил ИИВ Академиясига ҳужжат топшириш арафасида. Таскин шуки, мард ўғлоннинг муносиб издошлари камолга етмоқда.

Сержант Абдурашид Умрзаковнинг кўрсатган мардлиги, жасорати беиз кетмади. Давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, вафотидан кейин «Мардлик» ордени билан тақдирланди.

Қачонки Абдурашиднинг хонадонига борсак, жасур йигитни хотирлаш учун йиғилган қариндошлари, маҳалладошлари, мактаб ўқувчиларига дуч келамиз.

— Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Умримиз, Абдурашидジョンнинг умри зое кетмабди. Ҳаётда яшашдан мақсадимиз ҳам яхши ном қолдириш аслида, — дейди йўқловлардан кўнгли таскин топган Абдухалил ота.

Ҳа, ҳаёт давом этаверади. Юртинчлиги йўлида фидо бўлган азиз инсонлар, ўғлонлар хотираси эса қалбларда абадий яшайди.

**Файзулло ҲАҚИМОВ,
подполковник.**



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz



Men ko'p yillar Surxondaryo viloyati IIB YHXB va Sariosiyo tumani IIBda xizmat qildim. Jamoat xavfsizligini ta'minlash, jinoyatchilikka qarshi kurashda hamkasblarim bilan birgalikda ko'plab ijobjiy natijalarga erishdim. Vaqt-soati kelib, pensiya-ga chiqdim. Afsuski, ikki yilcha oldin kasallik tufayli I guruh nogironi bo'lib qoldim.

Odam qarigandan keyin birovga malol bo'lmaslikka intilarkan. Men ham shu niyatda viloyat IIB rahbariyatiga, tuman IIB Faxriyalar kengashiga murojaat qilib, o'zi yuradi-gan, zamonaviy aravacha olishda yordam so'radim.

G'AMXO'RLIK DAN JUDA SUYUNDIM



Shukrki, murojaatim o'rganib chiqilgach, ijobjiy hal qilindi. Tuman IIB Faxriyalar kengashi raisi Salom Qosimov boshchiligi-da xonadonimga kelib, zamonaviy qulayliklarga ega nogironlik aravachasi ni topshirishdi.

Bunday e'tibordan juda quvondim. Nogironlik aravachasiga mixlangan mendek bir keksa odamning holidan xabar olib, yo'qlab kelishgani, eng muhimi, mushkulimni oson qilishgani uchun minnatdorman. Inson qadri ulug'lanayotgan yurtda yashayotganidan faxrlanaman.

Davlat SHARIPOV,
iste'fodagi mayor.

Sariosiyo tumani.



ENG MUHIMI – XAVFSIZLIK



IV Transport va turizm obyektlarida xavfsizlikni ta'minlash departamenti
Toshkent mintaqasi temiryo'i transportida xavfsizlikni ta'minlash bo'limi huquqbazarliklar profilaktikasi bo'linmasining xizmat hududi 372 kilometrni tashkil etadi. Joriy yilning o'tgan davrida sohaviy xizmat xodimlari tomonidan huquqbazarliklar sodir etgani uchun 1695 nafar shaxsga nisbatan ma'muriy bayonnomalar rasmiylashtirildi. 20 nafar voyaga yetmaganning ota-onalariga nisbatan tegishli ta'sir choralar ko'rildi.

– Temiryo'i transporti inshootlari jinoyat va huquqbazarliklarning oldini olish, baxtsiz hodisalarga yo'l qo'ymaslik yuzasidan temiryo'iiga yaqin hududlardagi korxona va tashkilotlarda, mahallalar, ta'lim muassasalarida targ'ibot-tashviqot ishlari olib borilayotganiga qaramay, huquqbazarlik holatlari uchrab turibdi.

Ularning aksariyatini temiryo'llarni belgilanmagan joydan kesib o'tish qoidabuzarligi tashkil etadi, – deydi bo'linma profilaktika inspektori, podpolkovnik Said Nurmuhammedov.

Yaqinda o'tkazilgan profilaktik tadbirda Toshkent tumanida yashovchi 3 nafar voyaga yetmagan shaxs temiryo'i relsini qotirib turuvchi

boltlarni yechib olayotganida ushlandi. Ular bu detallarni metalloolom shaklida arzon-garovga sotishni maqsad qilishgan ekan. Ayni paytda holat yuzasidan ma'muriy ish qo'zg'atilib, farzandlariga yetarlichcha e'tibor bermagani uchun ularning ota-onalariga nisbatan tegishli choralar ko'rildi.

Sohaviy xizmat xodimlari kezi kelganda ijtimoiy ko'makka muhtoj, murakkab vaziyatlarga tushib qolgan fuqarolarga ham qo'ldan kelgancha yordam berib kelayotgani tahi-singa loyiq. Yaqinda «Toshkent» temiryo'i vokzali ishchilarli profilaktika inspektoriga qo'ng'iroq qilib, 2 kishi qiyin ahvolda qolganini bildirishdi. Ma'lum bo'lishicha, poytaxtga davolanish uchun kelgan namanganlik ona va bola davolanib bo'lgach, uyiga qaytmoqchi bo'lganida pullari tugab qoladi. Temiryo'i chiptasini olishadi-yu, qolganiga chorasiz qolishadi. Noiloj ertalab ketadigan poyezdni kutib, o'rindiqa yotib qolishga qaror qilishadi. Ular vokzal mehmonxonasiga joylashtirilib, baholi qudrat yordam berildi.

Foziljon MAMASHARIPOV,
«Postda» muxbiri.



«E-NOMZOD» DASTURI

to'liq raqamlashtirish istiqbollari

So'nggi yillarda barcha sohalarda raqamli zamonaviy texnologiyalar asosida ish yuritish inson omilini kamaytirib, korrupsiyaning oldini olishga xizmat qilmoqda. Xususan, u ichki ishlar organlari tizimiga ham izchillik bilan joriy etilmoqda. «E-nomzod» yopiq axborot tizimi afzalliklari va xususiyatlari to'g'risida ma'lumotga ega bo'lish uchun Bosh boshqarma Ma'naviy-ma'rifiy ishlar va kadrlar bilan ta'minlash xizmati boshlig'ining o'rinsari, podpolkovnik Akmal Odilovga yuzlandik.

— «E-nomzod» dasturi ustida bir muddat ishlar olib borilgach, loyihami IIVga taqdim etdi. Dastur vazirlikda yanada takomillashtirildi va ushbu taklif 2023-yil 20-yanvardagi «Ichki ishlar organlarini

da turish xizmatga kirishga bo'lgan ishtiyoqning so'nib borishiga va soha to'g'risida salbiy fikrlar paydo bo'lishiga sabab bo'lgan.

Bundan tashqari, mantiqsiz taqiq va cheklov larga barham be-

Nomzod ma'lumoti, mutaxassisligi, harbiy xizmatga munosabati, bo'yli, mehnat faoliyati, yaqin qarindoshlari va boshqa ma'lumotlari to'g'risidagi savollarga javob bergan holda, respublikamizning istalgan hududida ro'yxatdan o'tadi.


Tanlovning tegishli bosqichlari bo'yicha nomzodning natijalari kiritilgach, dastur me'yoriy buyruq talablariga muvofiq keyingi bosqich muddatlari to'g'risida xabarnomalar yuboriladi. Shuningdek, tibbiy ko'rikdan o'tishi avtomatlashtirilgan tarzda nazorat qilib boriladi, belgilangan muddatda (14 kunda) tibbiy ko'rikdan o'tmagan nomzodlar ro'yxatdan chiqarib yuborilishi to'g'risida ogohlantiriladi (barcha jarayonda mehnat qonunchiligiga muvofiq ish kunlari hisobga olinadi).

«E-nomzod» dasturi bir nomzodni qayta ro'yxatga olishni va boshqa xatoliklarni avtomatik tarzda aniqlaydi. Nomzodlarni

Psixofiziologik (poligraf) tekshiruv nomzodning xizmat qilishi ga to'sqinlik qiladigan xavf omillarini aniqlash maqsadida uning yozma roziligi asosida belgilangan huquq va erkinliklarga rioya etgan holda, qonuniylik, insonparvarlik, ilmiylik va maxfiylik prinsiplariga muvofiq o'tkaziladi.

Barcha bosqichlardan muvafaqiyatlari o'tgan nomzodlar hujjati o'rnatalgan tartibda rasmiylashtirilib, xizmatga qabul qilinadi va boshlang'ich tayyorgarlikdan o'tkazish uchun IIV Malaka oshirish instituti ixtiyoriga yuboriladi. Ularning barcha natijalari elektron axborot tizimiga jamlab boriladi. Har bir xodimning KPI (Key Performance Indicators) – samadorlikning muhim ko'rsatkichlari alohida ahamiyat kasb etib, xodimning xizmat pillapoyalaridan ko'tarilishida inobatga olinadi.

Dasturning kelajak imkoniyatlaridan yana biri nomzodning ichki ishlar organlari xizmatiga qabul qilinganidan pensiya bo'shatilgunga qadar bo'lgan sinov natijalari, ko'rsatkichlari va yutuqlari jamlanib, uning ijtimoiy portreti shakllantirib boriladi.




xalqchil professional tuzilmaga aylantirish va aholi bilan yana-da yaqin hamkorlikda ishlashtiga yo'naltirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Prezident qaroriga kiritilib, «E-nomzod» tizimini yaratish, xizmatga qabul qilish jarayonlarini to'liq raqamlashtirish vazifalari belgilab berildi. Shundan so'ng ushbu tizim orgali nomzodlarni ro'yxatga olish ishlari boshlab yuborildi.

«E-nomzod» tizimi joriy etilmasidan avval ichki ishlar organlari kirish uchun murojaat qilgan nomzodlarni ro'yxatga olish va ulardan olinadigan sinovlar an'anaviy usulda bo'lib, natjalarni tekshirish hamda e'lon qilish uchun bir necha kunlab vaqt ketgan. Bu usul ortiqcha qog'ozbozlik hamda me'yordan ortiq ish yuklamalari shakllanishiga olib kelgan. Shuningdek, muqaddam ichki ishlar organlari xizmatiga kirish uchun tanlov e'lon qilish vaqtini kutish, birgina ma'lumot olish uchun uzundan-uzun navbat-

rishni barcha sa'y-harakatlar «Inson qadri uchun» tamoyili asosida shaffof, adolatli va qulay bo'lishini davr taqozo etmoqda.

Yangi dastur xizmatga tanlab olish, saralash va o'rganish bosqichlarini o'z ichiga oladi. Uning natijalariga ko'ra, nomzodning xizmatga ma'naviy-kasbiy va sog'lig'i jihatdan mosligi to'g'risida xulosa chiqariladi.

Ichki ishlar organlari xizmatiga kirish istagini bildirgan fuqaro (nomzod) dasturga internetdagи brauzerlar orqali «e-nomzod. iibb.uz» havolasi yoki «Toshkent shahar IIBB.uz» sayti orqali kirib, o'zining nomzodini ro'yxatdan o'tkazish, keyinchalik tanlov natjalari bilan tanishib borish uchun ro'yxatdan o'tish shartlariga roziligidini bildirgan holda, savollarga javob berib boradi.



ro'yxatga olishdagi uzundan-uzun navbatlarga barham beriladi. Ortiqcha ovoragarchiliklarning oldi olinadi, eng muhimi, vaqt tejaladi hamda korruption omillar va unga imkon beruvchi shart-sharoit keskin kamayadi.

Xizmatga qabul qilingan nomzodlar (boshlang'ich tayyorgarlikka yuborilgandan so'ng) ro'yxatdan avtomatik tarzda chiqarilib, ma'lumotlari «E-kadr» axborot tizimiga integratsiya qilinadi.

Xullas, dastur tanlov asosida ichki ishlar organlari xizmatiga qabul qilish jarayonining oshkorlik va shaffoflik tamoyillariga ko'ra amalga oshirilishiga, nomzodlarga qo'yiladigan ortiqcha byurokratik talablarni cheklashga hamda sarf-xarajatlarni kamaytirishga, shuningdek, sinov jarayonlari uchun sarflangan vaqtini sezilarli darajada tejashta imkon beradi.

«Postda» muxbiri Sarvar SOBIROV yozib oldi.



Маънавият маршрути

САИД ОТАЛИҚ МАДРАСАСИ

Асрлар давомида маърифат маскани сифатида хизмат қилиб келган Сайд Оталиқ мадрасаси XVI асрда Денов шаҳрида Хожа Алоуддин Атторга атаб бунёд этилган. Халқ орасида шайх Аттори Валий номи билан машҳур бўлган бу зот Баҳоуддин Нақшбанднинг кӯёви бўлиб, тариқат таълимотини кенг ёйиш учун Сурхондарё вилоятининг Денов тумани худудига кўчиб келган.



Манбаларда айтилишича, ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор нақшбандия тариқатининг улуғ пири, авлиё, «Силсилаи шариф»да ўн еттинчи ҳалқадаги муршид, аллома бўлган. Асл исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, «Аттор» дейилишига сабаб ул зоти шарифдан ҳамиша хушбўй ҳид тарашиб турган, сұхбатлари ҳам ёқимли бўлган.

Алоуддинни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз қарамоғига олиб, таълим беради. Илми, одоби, тарбияси, хулқи билан у устозининг дуосига сазовор бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Деновдаги бир хонақоҳда муриллари таълим-тарбия беради. У милодий 1400 йилда вафот этиган.

Сайд оталиқ мадрасаси Хожа Алоуддин Атторнинг ўғиллари ва неваралари томонидан 26 йил давомида қурилган. Бухоронинг йирик мадрасалари услубида барпо этилган мазкур меъморий обида қурилишига буҳоролик меъмор уста Аҳмад Мамат Бухорий бошқош бўлган.

Икки қаватли катта-кичик ҳужралардан ташкил топган мадрасада миёнсарой, унинг икки ёнида масжид ва дарсхона жойлашган. Мадраса бурчакларига эса гулдасталар ишланган. 40x29.5 метр тархли ҳовлисидаги пешайвонлар сони 2 та. Ҳужралар



деразаларига ганчдан панжаралар ишланган.

Ўзига хос лойиха асосида бунёд этилган мадраса илм-маърифат маскани сифатида донг таратган. Бироқ узоқ вақт давомида мадраса қаровсиз ҳолда қолиб кетди ва унинг асосий биноларига шикаст етди. Шундан сўнг, юртимизда муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларни қайта тиклаб, зиёрат туризмини ривожлантиришга эътибор қаратилгач, ушбу муаззам маскан қайта реконструкция қилинди. Ҳозирда тарихий обида маҳаллий ва хорижлик сайдёхларнинг энг севимли масканларидан бирига айланган.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.

Ўқиши тавсия этаман

«ТАМАНГО» СИЗНИ ЎЙГА ТОЛДИРАДИ

Яқинда француз ёзувчиси Проспер Мерименинг «Карл IX салтанатининг йилномаси» китобини ўқиб чиқдим. Асарни мутолаа қиласар эканман, Франция тарихи, француз ҳалқи, унинг маданияти, ахлоқий ва маънавий қадриятларига оид тасаввурларим бойиди.



Ёзувчи воқеаларни худди ҳужжатда ёки кундалиқда баён этгандек тасвирлайди. Назаримда, айни жиҳат асарнинг ҳаёттийроқ, жозибалироқ бўлишини таъминлаган. Воқеалар қизиқарли, таъсирчан бўлгани боис асар қаҳрамонлари юрагида қўзғалган түғёнлар ўқувчи қалбига ҳам кўчади, уни жунбишга солади. Инсонлар ўртасидаги самимий муносабатлар тасвирланганда эса дилингизда ҳаяжон жўш уради. Ҳақсизлик ифода этилганда, кўнглингиз нафратга тўлади.

Ёзувчи юрга муҳаббатни ўзига хос тарзда ифода қилган. Яъни, Мерименинг ватанпарварлари оддий, камчиликлари ҳам анчагина. Гёё адаб уларни севиб қолишингизни истамайдигандек туюлади. Аммо қаҳрамонларга юрагингизда муҳаббат уйғонмасдан қолмайди. Воқеалар ривожи, персонажларнинг ҳиссиятларидан кўшимча маъно, фалсафа қидира бошлаганингизни сезмай қоласиз.

Қисқаси, мазкур ёзувчи бадииятининг сехрли дунёсига қадам кўйган инсон борки, бутун умрга асир бўлиши тайин. Менга адабнинг «Таманго» новелласи ўзгача таъсир қилди. Асарда кулликнинг энг жирканч иллатлари ифодаланган, десам, хато бўлмайди.

Таманго – қора танлилар сардори. У арзимаган буюмлар эвазига қабиладошларини кул қилиб сотиш билан шуғулланади. Сархушлигида хотинини ҳам оқ танли қул жаллобларга тортиқ қилиб юборади. Ҳушига келгач, аёлини қайтариб олишга уринади. Бироқ оқ танлилар унинг ўзини қулга айлантиришади. Энди кишанланган

Таманго ҳақсизлик изтиробларини тўлалигича ўз юрагидан ўтказа бошлайди. Хотинининг оқ танлига хизмат қилаётганини кўрганида эса аламдан билакларига зўр беради. Бунинг учун уни жазолашади. Аммо сардорнинг қалбидаги ҳукмдорлик хисси ўлмаган, қачонлардир ўз юртдошларини қулликка маҳкум қилган шижаоти ҳамон тирик эди. Тахқирлашлар исёнга ундейди. У бу ҳисни бошқаларга ҳам юқтириди. Натижада кемада кўзғолон кўтарилади. Тамангонинг жасорати туфайли қора танлилар оқ танлиларни қириб ташлашади.

Кўп ўтмай қўзғолончилар кема бошқарувсиз қолганлигини, барчани ҳалокат кутаётганинг англайди. Қора танлилар ўзларини аввал қулга айлантирган, сўнгра сарҳадсиз денгиз, тақдир ҳукмига топшириб кўйган Тамангодан нафратлана бошлайди. Кема трюмидан ичкилик топилгач, бу нафрат ўрнини сархушлик эгаллайди...

Хуллас, қаҳрамонларнинг қисмати, келажаги ҳақидаги тахмину ўйлар хаёлингизни буткул эгаллаб олади. Сардорни исёнга ундан қудрат озодликка интилишми ёки турмуш ўртоғига бўлган муҳаббатми, билолмай иккиланасиз.

Демокчи бўлганим: «Таманго» новелласини, Проспер Мериме асарларини мутолаа қилиш керак. Адабиётнинг сирли ва сехрли оламини, сержилва қирраларини кашф қилмоқ, ҳис этмоқ учун ҳам ўқиш керак.

Мафтуна БЕКПЎЛАТОВА,
катта лейтенант.

Жиззах вилояти.





Мардлар қўриқлайди Ватанини!

Тинимсиз изланиб, хизмат пиллапояларидан шахдам одимлаётган катта лейтенант Жалолиддин Омонов Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмандони ташабуси билан ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтган йили илк маротаба ўтказилган «Довюрак жангчи» интенсив синовларида муваффақиятли иштирок этиб, ушбу номдаги кўкрак нишони соҳиби бўлди.

Махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи 3-жанговар гурух командири, катта лейтенант Жалолиддин Омонов одатан соат 7:30 да ҳарбий қисмга келиб, хизматни бошлади. «Тозалик бор жойда барака бўлади», деганларидек, дастлаб ўзига бириклирилган ҳудуд ва хизмат жойлари озодалигини текшириди. Сўнгра гуруҳ шахсий таркибини йўқламадан ўтказди.

Ҳарбий хизматчилар билан саф тайёргарлиги машғулотларини тутгатгач, ҳарбий-касбий тайёргарлик йўналишида назарий ва амалий машғулотлар олиб бориб, асосий эътиборни уларнинг қобилиятини ривожлантиришга қаратди.

Тушлиқдан сўнг кичик сержантлар Б.Турсунов ва Қ.Раҳматуллаевнинг оиласвий шароитини ўрганди.

Бундан ташқари, қўл остидаги ҳарбий хизматчилар – кичик сержантлардан Б.Турсунов ва Қ.Раҳматуллаевнинг оиласвий шароитини ўрганди.

ДОВЮРАК ЖАНГЧИ



Сурʼатда: катта лейтенант Жалолиддин Омонов (чапдан иккинчи) ҳамкаслари даврасида.

жантлар М.Неъматов ва М.Рамазоновнинг билим ва кўнижмаларини синовдан ўтказди. Шунингдек, кичик сержантлар А.Абдуллаев, С.Усмонов ҳозирда ўзек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан қайси асарларни мутолаа қилаётгани

билан қизиқди. Кун якунида эса гуруҳ шахсий таркиби эътиборига жанговар тақсимотни етказди.

– Катта лейтенант Жалолиддин Омонов ёш бўлса-да, ўз касбнинг устаси, – дейди ҳарбий қисм Махсус вазифаларни бажарувчи

сафарбарлик взводи командири, капитан Бекзод Аитов. – 2020–2021 йилларда Қоровул қўшинлари миқёсида ўтказилган «Энг илғор касб мутахассиси» қўриқ-танловининг «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида фаол иштирок этиб, совринли ўринни қўлга киритгани ҳам фикримнинг яқъол далилидир.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида туғилган Жалолиддин муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, ўша пайтдаги Тошкент олий умумқўшин қўмандонлик билим юртига ўқишга кирди. Ёш лейтенант ИИВ Қоровул қўшинларидағи илк хизмат фаолиятини Қарши шаҳридаги 7533-ҳарбий қисм Махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи 3-жанговар гуруҳ командири лавозимида бошлаб, ҳозирда ҳам ушбу лавозимда фаолиятини давом этириб келмоқда.

– Муваффақиятларга эришишимда устоз ва мураббийларим, истеъфодаги подполковник Қ. Ҳўжаниязов ҳамда ҳарбий қисм тарбиявий бўлинма бошлиғи, майор К. Ҳайитовларнинг хизмати бекиёс, – дейди катта лейтенант Жалолиддин Омонов. – Шу боис уларнинг билим ва тажрибасидан хизматим давомида унумли фойдаланиб келаман.

Содик РАҲИМОВ,
«Postda» мухбири.
Кашқадарё вилояти.



Туман ИИБда

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТ БИЛАН

Чиноз тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳукуқ-тартиботни кучайтиришга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар натижасида жорий йил бошидан ҳозирга қадар содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди. Оғир тан жароҳати етказиш, талончилик ва транспорт воситасини олиб қочиш каби жиноятлар умуман қайд этилмади.

Бундай ижобий натижаларни қўлга киритишида фидойи осойишталик посбонларининг хизмати бекиёс. Айниқса, туман ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси бошлиғи, майор Отабек Исроилов, ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник Маҳфуз Сирожова ҳамда ҳудуд профилактика инспекто-



ри, катта лейтенант Нодир Эгамбердиевларнинг саъи-харакатларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

– Аҳоли ўртасида ўтказилган тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Баҳром Кўзибоев. – Шу билан бирга, жойларда рўй бериши мумкин бўлган турли тартиб-бузарликларни ўз вақтида бартараф этиш учун шахсий таркиб билан мунтазам равишда амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Туман ИИБда «Устозшогирд» анъанаси ҳам самарали тарзда йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда 6 нафар ёш ходимнинг ҳар бирига тажрибали мураббийлар бириклирилган. Улар касб сирларини мукаммал эгаллашда ёш ходимларга яқиндан амалий ёрдам беришяпти.

Қолаверса, туман ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги майор Шухрат Норқўзиев бошлигидаги соҳа нуронийлари ҳам ғайрат-шижоатини аямасдан, фидойилик билан

хизмат қилиб келаётган ходимлар билан ўзларининг бой тажрибасини ўртоқлашиб келмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигига ҳар бир маҳалладаги қriminogen вазият, жиноятчилик ахволи бўйича муҳокамалар ўтказилиб, ижобий натижаларга эришаётган ҳудуд вакиллари рафбатлантирилмоқда.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.
Тошкент вилояти.



Хорезмская область

МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ



Службой духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения УВД Хорезмской области организуются мероприятия по отбору кандидатов для обучения в специализированной школе-интернате МВД Республики Узбекистан.

Очередное такое мероприятие состоялось в общеобразовательной школе № 2 Багатского района, в котором приняли участие учащиеся 4-х классов и их родители.

– Специализированная школа-интернат МВД – одно из лучших образовательных учреждений республики, – говорит старший инспектор УПП СОБ ОВД района

майор Темур Отажонов. – Нами представлена детальная информация о том, как здесь строится учебно-воспитательный процесс, об условиях, созданных для ребят, даны разъяснения о порядке отбора кандидатов для обучения.

Подобные мероприятия проходят и в других школах области.

Соб. корр.

Рядовой Иномжон Йулдошев в марте прошлого года начал проходить срочную службу в войсковой части № 7260 Войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах, дислоцированной в городе Ургенче.

– Иномжон – один из тех, кем можно гордиться, – говорит командир войсковой части подполковник Алижон Шодиев. – Он неукоснительно следует требованиям установ Вооруженных Сил Республики Узбекистан, своевременно выполняет приказы и распоряжения командиров. Благодаря старательности, упорству и целеустремленности снискал уважение среди товарищей.

За добросовестное отношение к службе рядовой И. Йулдошев был награжден Почетной грамотой ко-



мандующего войсками. Кроме того, за высокие показатели в боевой и духовно-просветительской подготовке, образцовую дисциплину, успешное прохождение тестовых испытаний ему выдана рекомендация для поступления на учебу в высшее образовательное учреждение.

Пожелаем удачи таким отважным юношам, как рядовой Иномжон Йулдошев, считающим служение Родине священным долгом.

Журатбек ОТАЖОНОВ, подполковник.



Ветераны всегда в строю

Женщины в погонах достойны восхищения. Это на своем опыте доказала майор в отставке Галина Куканянц. За плечами у нее 33 года службы в органах правопорядка.

– Решение о будущей профессии приняла еще в школьные годы. Тогда из числа старшеклассников отбирали ребят для прохождения курсов по правовым знаниям, я оказалась в числе немногих сверстников, прошедших испытания, – начинает разговор наша героиня.

– После окончания курсов поняла, что хочу носить форму и помогать людям.

Службу в органах внутренних дел Галина Шагеновна начала в 1974 году с должности инспектора спецчасти в городском ОВД. В течение почти двух десятилетий успешно осуществляла деятельность в отделе по работе с несовершеннолетними. Ее ежедневный труд был связан с профилактикой правонарушений среди подростков, работой с несовершеннолетними, преступившими закон, контролем за неблагополучными семьями.

